

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



Самарқанд давлат  
университети ректори  
Р.И.Халмуродов

« \_\_\_\_\_ » 2018 йил

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги ОАК раиси  
А.Т.Юсупов

« \_\_\_\_\_ » 2018 йил

**11.00.02 - Иқтисодий ва ижтимоий география  
иқтисослиги бўйича малакавий имтиҳон**

**ДАСТУРИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси  
раёсатининг 2018 йил 30 май № 148 сонли қарори билан тасдиқланган

Самарқанд -2018

## ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИЯ ИХТИСОСЛИГИ БУЙИЧА МАЛАКАВИЙ ИМТИҲОН ДАСТУРИ

**Инсон географияси.** “Инсон географияси фаннинг тадқиқот объекти ва предмети, вазифалари, тузилиши, унинг замонавий фанлар тизимида тутган ўрни ва асосий тадқиқот йўналишлари. Инсон географиясининг шаклланиши, география фани назариясининг шаклланиши бошлаши. Бернхард Варений. Василий Никитич Татищев. Иммануил Кант. Иоганн Тюнен. Александр Гумбольдт. Карл Риттер. Ижтимоий географияда миллий мактабларнинг шаклланиши. Ресурслар ва ландшафтлар. Инсоннинг атроф муҳитга таъсири ва табиатни муҳофаза қилишнинг зарурлиги. Джордж Перкинс Марш. Табиий ресурслар ва уларнинг классификацияси (таснифланиши). Глобал хом ашё муаммоси. Географик детерминизм ва поппулизм. Николай Николаевич Баранскийнинг инсон ва табиат ўзаро муносабатлари муаммоларига нисбатан нуқтаи-назари. XX асрнинг биринчи ярмида минтақавий тадқиқотларнинг кўпайиши. Инсон ёки ижтимоий географияда ландшафт. Картографик, географик таққослаш, статистик ва тарихий методларнинг иқтисодий географлар учун аҳамияти. Ижтимоий географияда микдорий инқилоб. Кузатув, моделлаштириш, анкета-сўров, экстраполяция, тизим-таркиб усуллари, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ўрганишдаги роли. Хулқ-атвор географиясининг вужудга келиши. Фаннинг ижтимоийлашуви ва экологиялашуви. Аҳоли географияси иқтисодий географиянинг муҳим ва алоҳида тармоғи эканлиги. Аҳоли динамикаси. Аҳоли такрор барпо бўлишининг анъанавий типлари. Демографик портлаш феномени.

**Маданий макон (маданият географияси).** Маданият минтақанинг муҳим характеристикаларидан бири сифатида. Тиллар географияси. Динлар географияси. Маданият географияси ва аҳолининг гендер хусусиятлари. Ер шари аҳолисининг этник таркиби. Ўзбекистон аҳолисининг этник таркиби. Жаҳоннинг йирик халқлари. Шаҳарлар географияси инсон, ёки иқтисодий ва ижтимоий географиянинг энг фаол ва етакчи тармоғи эканлиги. Урбанизациянинг тадрижий ўзгаришлари. Шаҳарлар географиясини ўрганишдаги босқичлар. Шаҳарларнинг функциялари. Шаҳар ва қишлоқ жойларида аҳоли сонининг ўсиш хусусиятлари. Урбанизация жараёни ва унинг “шарқона” кўриниши. Хўжалик тармоқлари ҳақида тушунча, уларнинг классификацияси.

**Ижтимоий географиянинг тадқиқот объекти ва предмети, фанлар тизимида тутган ўрни.** Ижтимоий географияни кенг ва тор маънода тушуниш. Социал географияга оид тадқиқотлар. Ижтимоий географиянинг тармоқлари. Таълим географияси, Ўзбекистон таълим тизими. Айрим хорижий мамлакатларнинг таълим тизими. Тиббиёт географияси, унинг тадқиқот объекти ва предмети, ижтимоий-географик фанлар тизимида тутган ўрни. Тиббиёт географиясининг тузилиши. Аҳоли саломатлигига таъсир қилувчи асосий омиллар. Аҳоли саломатлиги ва экология. Жиноятчилик географияси. Ижтимоий географиянинг муҳим вазифалари ва муаммолари. Сиёсий

география. Сиёсий география, унинг объекти ва предмети. Сиёсий географиянинг инсон географияси фанлари тизимидаги ўрни ва алоқалари. Сиёсий географиянинг шаклланиш хусусиятлари ва бунда ғарб олимларининг хизматлари. Сиёсий географиянинг тузилиши. Экология, унинг иқтисодий ва ижтимоий география билан алоқаси, асосий вазифалари. **Аҳоли**

**географияси демография асослари билан.** Фанининг объекти, предмети, мақсади, вазифалари, тадқиқот усуллари, аҳоли географияси демография асослари билан фанининг шаклланиш бошқичлари ва ривожланиш омиллари. Унинг фанлар тизимидаги ўрни, бошқа фанлар билан фанлараро алоқалари. Аҳоли географияси демография асослари билан фани хорижда ва Ўзбекистонда тадқиқ этиш. Аҳоли тўғрисида маълумотлар манбалари. Аҳоли рўйхати ва жорий ҳисоби, Демографик маълумотлар манбалари ҳақида умумий тавсифлар. Бирламчи ва иккиламчи маълумотлар. Туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралиш жараёнларининг жорий ҳисоби. Аҳоли рўйхати. Махсус, танлама тадқиқотлар, регистрлар, аҳолини жорий ҳисобга олиш. Аҳоли ҳаракатининг жорий ҳисоби. Аҳоли йўқлови ва регистрлар. Аҳолини ҳисобга олиш, турлари, аҳоли рўйхати, ривожланган, ривожланаётган ҳудудларда аҳоли сонини рўйхатга олиш.

Дунё аҳолиси сони динамикаси ва жойланиши хусусиятлари. Аҳоли сони динамикаси (тадрижий ўзгаришлари). Аҳоли кўпайиши тарихий бошқичлари. Аҳоли сони динамикаси бўйича давлатларни ажратиш, гуруҳлаш. Аҳоли сони динамикаси, ўртача йиллик кўпайиши, ўсиш ва кўпайиш суръатлари. Аҳолининг мутлоқ ва нисбий кўрсаткичлари. Аҳоли зичлиги ва ҳудуднинг ўзлаштирилиши даражаси. Аҳоли зичлиги билан боғлиқ иқтисодий, ижтимоий, экологик муаммолар. Аҳолининг ёш - жинс таркиби, меҳнат ресурслари ва демографик сиёсат. Аҳолининг ёш-жинсий таркибининг демографик ва ҳудудий хусусиятлари. “Бандлик”, “меҳнат ресурслари”, “иқтисодий фаол аҳоли” тушунчалари ва уларнинг таркиби. Меҳнатда банд аҳоли. Демографик сиёсат ўтказиш методлари. Дунё минтақалари аҳолиси табиий ҳаракати ва уларнинг ҳудудий хусусиятлари. Дунё аҳолиси табиий ҳаракати ҳудудий хусусиятлари. Аҳоли такрор барпо бўлиши, демографик ўтиш назарияси, аҳоли такрор барпо бўлишининг асосий жараёнлари, яъни туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш ва қисман миграция. Аҳоли ўлими, ўртача умр кўриш узунлиги. Дунёда туғилиш самарадорлиги ва динамикаси. Туғилишнинг умумий, хусусий ва ёш бўйича коэффициентлари, никоҳсиз ва никоҳдаги туғилиш. Аҳолининг репродуктив майли ва уни ўрганиш. Дунё мамлакатларида туғилиш самарадорлиги. Туғилиш жараёнига таъсир этувчи омиллар ва уларни ўрганиш методлари. Туғилиш даражаси бўйича ер шари минтақаларининг гуруҳланиши. Аҳоли миграцияси, унинг турлари ва йўналишлари. Миграция ҳақида тушунча. Миграция турлари: ички, ташқи, ихтиёрий, мажбурий доимий, вақтинчалик ва маятниксимон (моксисимон), уларнинг шакллари ва хусусиятлари. Ташқи миграция. Эмиграция, иммиграция, реэмиграция, депортация тушунчалари ва уларнинг

хусусиятлари. Дунё аҳолиси механик ҳаракати муаммолари ва сиёсат. Иммиграция сиёсати.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси. Жаҳон урбанизацияси. Урбанизация тушунчаси. Шаҳарлар, шаҳарчалар ва улар тизими ҳақида тушунча. Урбанизация жараёнининг ривожланиш омиллари ва турлари. Урбанизациннинг «ички» (вертикал) ва «ташқи» (горизонтал) ривожланиши. Субурбанизация, рурбанизация жараёнлари. Урбанизациялашган минтақалар, мегаполислар, агломерациялар, ойкуменополислар. Аҳоли пунктлари географияси, унинг географик шакллари, турлари. Аҳолининг жойланиши ва пунктлари ҳақида умумий тушунча. Ирқий ва этник бирликлар нисбати. Дунё минтақалари бўйича аҳолининг ирқий тузилиши. Тил оилаларининг географик тарқалиши. Халқларнинг тили бўйича гуруҳланиши. Аҳолининг диний таркиби. Дунё динлари шаклланиши. Архаик, миллий ва дунёвий динлар. Туғилиш, ўлим ва аҳолининг табиий ҳаракати. Аҳолининг жойланиши географияси. Аҳоли пунктлари, республика қишлоқлари, шаҳарлари географияси.

**Жаҳон мамлакатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси.** Дунёнинг ҳозирги замон сиёсий харитаси, жаҳон мамлакатларининг социал-иқтисодий гуруҳлари. Дунёнинг сиёсий харитаси ва унинг шаклланиш хусусиятлари. Жаҳон мамлакатларининг, худуди ва аҳоли сони. Мамлакатларнинг давлат тузуми. ЯИМ бўйича мамлакатлар тавсифи. Давлатларнинг типлари. Ўтиш иқтисодиёти, ривожланган ва ривожланаётган давлатлар. Анклав ва эксклав мамлакатлар. Жаҳон табиий ресурслари географияси. Экологик муаммолар. Жаҳон табиий ресурсларининг турлари. Агроиклим ресурслари. Ер-сув ресурслари. Гидроэнергетика ресурслари. Фойдали қазилмалар географияси. Дунё океани ресурслари. Табиат-жамиятнинг ўзаро таъсири ва унинг оқибатлари. Жаҳон ва унинг минтақаларида геоэкологик муаммолар. Жаҳон аҳолиси сони ва ўсиши. Аҳоли жойлашуви ва унинг минтақавий хусусиятлари. Аҳоли такрор барпо бўлиши. «Демографик портлаш» ва унинг оқибатлари. Дунё минтақаларида демографик ўтиш даврининг хусусиятлари. Дунёнинг турли минтақалари демографик ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. БМТнинг демографик прогнози. Замонавий халқаро миграция ва унинг иқтисодий ривожланишга таъсири. Меҳнат ресурслари, ишсизлик муаммоси ва уларнинг регионал хусусиятлари. Урбанизация ва унга таъсир этувчи омиллар. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси. Жаҳон урбанизациясининг минтақавий хусусиятлари. Субурбанизация. Дунёвий шаҳарлар, йирик агломерациялар, мегалополислар. Пойтахт шаҳарлар ва уларнинг иқтисодий салоҳияти. Халқаро меҳнат тақсимоти ва унга таъсир этувчи омиллар. Халқаро меҳнат тақсимотининг шаклланиши. Худудий меҳнат тақсимоти. Халқаро ва районлараро меҳнат тақсимоти. Адам Смитнинг мутлақ афзаллик назарияси. Давид Рикардонинг нисбий (қиёсий) афзаллик қонуни. Халқаро меҳнат тақсимоти ва жаҳон хўжалигининг шаклланиши. Халқаро меҳнат тақсимоти ва унинг омиллари.

Жаҳон хўжалиги ва унинг тармоқлар таркиби. Жаҳон хўжалигининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Европа мамлакатлари иқтисодиётининг ривожланиши. Мануфактуранинг юзага келиши. Буюк географик кашфиётлар. Энг муҳим техник кашфиётлар. Европа ва Шимолий Америка мамлакатларидаги саноат инқилобининг дунё минтақалари иқтисодий ривожланишига таъсири. Мустамлака тузуми. Ҳозирги замон ривожланаётган мамлакатлари иқтисодиётининг юқори суръатда ўсишига таъсир этувчи омиллар. Саноатни ҳудудий ташкил этиш омиллари. Хомашё, энергетика, меҳнат ресурслари, транспорт ва экологик омиллар. Жаҳон саноатининг тармоқлар таркиби. Ёқилғи саноати ва унинг тармоқлари. Кўмир саноати географияси. Жаҳон нефть захиралари ва географияси. Жаҳон қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқлар таркиби. Дехқончилик: донли экинлар, техника экинлари, мойли экинлар, сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик. Чорвачилик. Қорамолчилик. Чўчқачилик. Қўйчилик. Паррандачилик ва бошқалар. Интенсив ва экстенсив қишлоқ хўжалиги. Глобал озиқ-овқат муаммоси. Жаҳон транспорти. Жаҳон транспортининг юк ташиш таркиби. Денгиз транспорти. Глобаллашув жараёнлари ва унда транспортнинг аҳамияти. Ўзбекистон транспорти. Халқаро иқтисодий интеграция. Интеграция ва глобаллашув жараёнлари. Халқаро иқтисодий алоқаларнинг турлари. Эркин иқтисодий зоналар. Интеграцион бирлашмаларда Ўзбекистоннинг иштироки. Трансмиллий компаниялар географияси. Дунёнинг йирик иқтисодий-ижтимоий ва геосиёсий минтақалари.

**Марказий Осиё иқтисодий ва ижтимоий географияси.** Дунё сиёсий ва иқтисодий тизимида Ўрта Осиё давлатларининг тутган ўрни. Ўрта Осиё иқтисодий ва ижтимоий географияси иқтисодий ва социал географиянинг ажралмас тармоғи эканлиги. Ўрта Осиё ва Марказий Осиё атамалари. Ўрта Осиё минтақаси давлатларининг шаклланиш тарихи, табиий, иқтисодий географик ўрни, чегаралари. Ўрта Осиё давлатларининг геосиёсий ва геостратегик ҳолати. Ўрта Осиё давлатларининг сиёсий географик ўрни ва унинг минтақа ривожланишига таъсири. 1990-йиллардаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар. Ўрта Осиё давлатларининг бозор муносабатларига ўтиши. Замонавий ривожланиши, ўзаро муносабатлар ва муаммолар. Ўрта Осиёнинг табиий шароити ва табиий ресурсларига иқтисодий географик баҳо бериш. Ўрта Осиё давлатлари табиий шароити ва табиий ресурсларининг хилма хиллиги, уларга мос ҳолда турлича хўжалик фаолияти турларининг шаклланиши. Минтақанинг демографик салоҳияти, унинг таркиб топиш тарихи, аҳолининг табиий кўпайиши, диний, жинсий, ёш таркиби. Миллий таркиби, унинг тарихий даврларда ўзгариши. Аҳоли миграцияси, унинг сабаб ва оқибатлари. Ўрта Осиёда меҳнат ресурслари, аҳолининг иқтисодиёт тармоқларида бандлиги. Демографик муаммоларни келиб чиқиш сабаблари, уларни ҳал этишга давлатларнинг эътибори, олиб борилаётган чора-тадбирлар ва ислохотлар ҳақида маълумот.

Хўжалигининг умумий таърифи. Ташқи иқтисодий алоқалар. Уларнинг асосий йўналишлари. Яқин ва Узоқ, хориж давлатлари билан Ўрта Осиё

давлатларининг олиб бораётган иқтисодий алоқалари, экспорт ва импорт маҳсулотлари, Ўзбекистоннинг кўшни давлатлар билан ташқи иқтисодий алоқалари таркиби, асосий муаммолари. Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон Қирғизистон Республикаларининг таркиб топиш тарихи. Географик ўрнининг ижобий ва салбий жиҳатлари, табиий шароити, табиий ресурс салоҳияти-агроиклим, сув, рекреация ресурслари. Қишлоқ хўжалиги. Чорвачилик, деҳқончилик, унинг ҳудудий ва тармоқлар таркиби. Ғаллачилик ва пахтачиликнинг ривожланиши. Транспорти ва ташқи иқтисодий алоқалари.

**Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси.** Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсий харитасидаги ўрни, маъмурий-ҳудудий бўлиниши. Ўзбекистон Республикасининг географик ва сиёсий географик ўрни, майдони ва чегаралари. Унинг мамлакатни тарихий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқлиги. Ўзбекистон Республикасининг макрогеографик, мезогеографик ва микрогеографик тутган ўрни ва роли. Ўзбекистоннинг табиий шароити ва ресурслари, уларнинг хўжалик аҳамияти, Ўзбекистоннинг ер юзаси тузилиши ва минерал ресурс салоҳияти. Иқлими ва сувлари. Агроиклим ресурслари ва уларнинг хўжалик аҳамияти. Каналлар ва сув омборлари, улардан фойдаланишнинг ҳозирги аҳволи. Ер фонди ва унинг таркибий тузилиши. Ўзбекистоннинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, уларнинг хўжалик аҳамияти.

Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари, меҳнат бозори. Аҳоли сони ва унинг тадрижий ўзгаришлари. Мамлакат аҳолисининг жойлашув хусусиятлари. Аҳоли сонининг ўсиши ва жойлашувига таъсир қилувчи омиллар. Республика аҳолисининг табиий ва механик харақати, уларнинг минтақавий хусусиятлари. Аҳолининг жинс-ёш, миллий ва ижтимоий таркиби. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси. Урбанизация ва унинг регионал хусусиятлари. Меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш. Меҳнат бозори ва унинг ҳудудий жиҳатлари. Ўзбекистон Республикаси хўжалигининг умумий тавсифи. Миллий иқтисодиётнинг шаклланиши хусусиятлари. Эркин иқтисодий зоналар. Электр энергия ишлаб чиқаришнинг тадрижий ўзгаришлари. Саноат марказлари, саноат тугунлари, саноат районлари. Муқобил энергия ресурсларидан фойдаланиш масалалари. Энергия ишлаб чиқариш цикллари. Ўзбекистон металлургия мажмуаси ва унинг тузилиши. Қора ва рангдор металлургия саноати. Уларнинг корхоналарини жойлашуви хусусиятлари, хомашё базаси, маҳсулот ишлаб чиқариш. Металлургия саноати географияси.

Ўзбекистонда кимё саноатининг шаклланиши ва ривожланиши. Унинг тармоқлар таркиби. Кимё, нефть кимёси, минерал ўғитлар, синтетик тола ишлаб чиқариш, кимё-фармацевтика, лок-бўёқ ва бошқа тармоқлар, уларнинг жойланиши. Кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва унинг ҳудудий тузилиши.

Машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноати. Машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноатининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни. Унинг таркибий тузилиши. Транспорт, трактор ва қишлоқ хўжалиги,

тўқимачилик, станоксозлик, асбобсозлик, электротехника машинасозлиги. Мустақиллик даврида машинасозликнинг ривожланиши. Автомобилсозлик ва унинг географияси. Машинасозлик мажмуасида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тармоқлар ва ҳудудий хусусиятлари. Қурилиш материаллари, Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг тадрижий ва ҳудудий таркиби. Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати ривожланишининг имкониятлари. Ўзбекистонда енгил ва озиқ-овқат саноати шаклланиши ва ривожланишининг омиллари. Тармоқлар таркиби. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига умумий тавсиф. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари ҳақида тушунча. Дехқончилик. Чорвачилик ва унинг ихтисослашуви. Республика агросаноат мажмуаси. Мустақиллик йилларида аграр ислохотлар. Қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг янги шакллари вужудга келиши. Фермер хўжалиқларининг ривожланиши. Ўзбекистон ер-сув ресурсларидан фойдаланиш. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши. Ирригация ва мелиорация.

Дехқончиликнинг қишлоқ хўжалиги ва мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни. Тармоқлар таркиби ва ривожланиши хусусиятлари. Техника экинлари (пахта, тамаки, каноф), ғаллачилик, боғдорчилик-узумчилик, сабзавот-полизчилик, картошкачилик, мойли экинлар ва ем-ҳашак экинлари етиштириш. Қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ва маҳсулот етиштиришнинг минтақавий хусусиятлари. Чорвачиликнинг республика хўжалигидаги аҳамияти. Чорвачилик тармоқларининг жойлашувига таъсир этувчи омиллар. Чорвачиликни тармоқлар таркиби. Қорамолчилик, кўйчилик ва эчкичилик, қорақўлчилик, паррандачилик, чўчкачилик, балиқчилик, пиллачилик ва бошқа тармоқлар. Чорвачилик районлари. Ижтимоий соҳаларнинг тузилиши ва ривожланиш хусусиятлари. Ўзбекистон таълим тизими. Соғлиқни сақлаш тизими ва унинг ривожланиши. Аҳолига хизмат кўрсатиш. Маиший, маданий ва бошқа хизматлар. Рекреация ресурслари ва рекреация географияси. Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиши, туризм географияси. Ўзбекистон транспорти ва ташқи иқтисодий алоқалари географияси. Ўзбекистонда миллий транспорт тизимининг тарихий таркиб топиши ва ривожланиши. Транспортнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти. Транспортда юк ва йўловчи ташиш географияси. Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий алоқаларида транспортнинг роли. Республиканинг транспорт мажмуаси. Транспортнинг турлари. Темир йўл, автомобиль, қувур, ҳаво, дарё транспорти. Мустақиллик йилларида мамлакат транспортининг ривожланиши, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимларига чиқиш имкониятлари. Ўзбекистон Республикаси хўжалигининг ҳудудий таркиби ва иқтисодий районлари. Иқтисодий районлаштиришнинг назарий ва амалий аҳамияти, унинг республика хўжалигини ривожлантириш режалари билан боғлиқлиги. Иқтисодий район ҳосил қилувчи омиллар. Районнинг табиий-ресурс салоҳияти. Аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Иқтисодий район ва вилоятлар хўжалигининг тармоқлар таркиби, ихтисослашуви. Махсус индустриал зоналар. Ўзбекистон иқтисодий районлари. Тошкент, Фарғона, Зарафшон, Жанубий, Мирзачўл, Қуйи Амударё иқтисодий районлари ва уларнинг таркибий қисмларининг тавсифи.

**Социал ва маданий география.** Фаннинг объекти, предмети ва тузилиши. Унинг бевосита инсон, аҳоли билан боғлиқлиги. Унинг фанлар тизимида тутган ўрни. Социал географияни кенг ва тор маънода тушуниш. Социал географиянинг тузилиши. Социал географиянинг шаклланиши ва ривожланиши. Социал география ва иқтисодий география, социал география ва аҳоли географияси, социал география ва социология. Аҳоли ва унинг ижтимоий тузилиши. Этногеография ва маданият. Дин географияси. Тиббиёт аҳолини ижтимоий ривожланишининг муҳим жабхаси эканлиги. Тиббиёт географиянинг фанлар тизимида тутган ўрни. Тадқиқот объекти ва предмети. Тиббиёт географиясининг шаклланиши ва ривожланиши. Замонавий тузилиши. Аҳоли саломатлиги географияси. Нозогеография. Соғлиқни сақлаш тизими географияси. Тиббий-географик районлар. Аҳолининг тиббий хизматга бўлган эҳтиёжлари, унинг турлари. Тиббий хизмат кўрсатишнинг ҳудудий ташкил этилиши. Таълим тизими - ижтимоий географик тадқиқотларнинг муҳим объекти эканлиги. Замонавий таълим тизими ва уни географик жиҳатдан ўрганишнинг аҳамияти. Таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича давлат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар. Жиноятчилик географияси. Жиноятчиликнинг ҳудудий таркиби – географик тадқиқотларнинг объекти сифатида. Криминоген вазият ва уни харитада акс эттириш. Жиноятчиликнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари. Хулқ-атвор географияси. Бихевиористстик география ва унинг шаклланиши. Муҳит, муҳитни тарзи ва хулқ-атвор. Шаҳар турмуш тарзи. Кундалик хулқ-атвори. Мигрантлар хулқ-атвори. Фавқулодда ҳолатларда аҳолининг хулқ-атвори. Турмуш тарзи ва унинг географик жиҳатлари.

**Шаҳарлар географияси.** Фаннинг объекти ва предмети, тадқиқот усуллари. Шаҳар ҳосил қилувчи асосий омиллар. Шаҳарлар классификацияси. Шаҳарларнинг функциялари. Шаҳарларнинг ҳудудий тизимлари. Урбанизациянинг минтақавий хусусиятлари. Район планировкаси ва шаҳарларнинг бош режаси. Республикада шаҳарларни ҳудудий ташкил этиш, такомиллаштириш ва шаҳар қурилиши масалалари. Йирик шаҳарларнинг планлари. **Сервис географияси.** Фаннинг объекти, предмети ва вазифалари. Ижтимоий география ва аҳолининг ижтимоий ривожланиши. Тиббиёт географияси. Таълим географияси. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси. Туризм географияси. Рекреация географияси. Дин географияси. Қишлоқ жойлар географияси.

**Туризм географиясининг** предмети, объекти, мақсад ва вазифалари. Туризмни ривожлантириш омиллари. Туризм географиясининг тарихи ва ривожланиши, классификацияси. Жаҳоннинг туристик регионлари. Ўзбекистон туристик районлари ва халқаро туризмнинг ривожланиш йўналишлари. Европада география фани тараққиёти, Немис олимлари, Англия, Америка, Япония, Франция мактабларида география фани ва қарашлар. Рус география фани дарғалари ва география жамияти. Ўзбекистонда география фанининг ривожланиши,

З.М.Акрамов, А.Солиев, А.Абдулқосимов, А.Қаюмов, О.Ата Мирзаев, А.Рузиев ва бошқа олимлар илмий мактаблари.

### Фойдаланган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар руйхати

1. Алаев Э.Б. Социально-экономическая география. Понятийно-терминологический словарь. - М., 1980.
2. Асанов Г.Р. Социал-иқтисодий география: термин ва тушунчалар изоҳли луғати. -Т., 1990.
3. Анна Баттимер Путь в географии. -М.: Прогресс, 1990
4. Анохин А.А., Житин Д.В. География населения с основами демографии: Учебное пособие. - СПб. Изд-во СПбГУ, 2013. - 307 с.
5. Абдурахманов Қ.Х., ва бошқалар. Демография. Дарслик. - Т.: «Fan va texnologiya», 2014.-368 б.
6. Abdalova Z.T., Tojjeva Z.N. Iqtisodiy geografiya. O'quv qo'llanma. - T.: «IQTISOD-MOLIYA», - 2013. 212 bet.
7. Abdurahmonov Q.X., Abduramanov X.X. Demografiya. O'quv qollanma. - T.: Ношир нашриёти. - 2011.
8. Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана. - Т., 2009.
9. Ахмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. - Т., 2002.
10. Баранский Н.Н. Научные принципы географии. Избр. труды. - М., 1980.
11. Болтаев М. Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси. (Ўқув қўлланма). -Т., 2003.
12. Бўриева М.Р., Тожиева З.Н., Зокиров С.С. Аҳоли географияси демография асослари билан. - Т.: Тафаккур, 2011. - 159 б.
13. Джонсон Р.Дж. География и географы. -Л., 1989.
14. Жекулин В.С. Введение в географию. -Л.: ЛГУ, 1989.
15. Копылов В.А. География населения. Учебное пособие. - М.: 1999. - 124 с.
16. Назаров М., Тожиева З. Ижтимоий география. -Т., «Университет», 2003.
17. Родионова, И. А. Экономическая и социальная география мира. В 2 т. Т. 1,2 : учебник для бакалавров. 2-е изд., испр. и доп. - М., 2015.-431 с.
18. Солиев А. Иқтисодий география: назария, методлар ва амалиёт. - Т.: Камалак, 2013.
19. Солиев А.С., Маҳамадалиев Р. Иқтисодий ва ижтимоий география асослари. - Т., 2005 .
20. Саушкин Ю.Г., Введение в экономическую географию. - М., 1970.
21. Солиев А.С. Ўзбекистон географияси // Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси.- Т.: Университет. 2014.
22. Солиев А.С., Усманов М.Р. Туризм географияси.-Самарканд, 2005
23. Социально-экономическая география: понятие и термины. - Смоленск: Ойкумена, 2013.
24. Скопин А.Ю. Введение в экономическую географию. - М.: Владос, 2001.

25. Тожиева З.Н. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши (Монография). – Т.: «Fan va texnologiya», 2010. – 276 б.
26. Тожиева З.Н. Статистиканинг умумий назарияси. – Т., 2000. -58 б.
27. Тожиева З.Н. Иқтисодий ва демографик статистика. – Т., 2002. -160 б.
28. Экономическая, социальная и политическая география: мир, регионы, страны. Под. Ред. И.А.Родионовой. М.:Экон.-Информ., 2008.
29. Экономическая и социальная география стран ближнего зарубежья. Под ред. М.Ратанова. –М., 2004.
30. Экономическая и социальная география стран ближнего зарубежья –М., 2004. (Ратанова М тахрири остида).
31. Қаюмов А., Пардаев Ғ, Исломов И. Иқтисодий ва ижтимоий география. (Ўрта Осиё иқтисодий ва ижтимоий географияси. Ўқув қўлланма). -Т., 2007.